



## АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 183-193 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ



Бабаджанова Малика Рузимовна  
ТДИУ. мустақил изланувчиси

**Аннотация:** мақолада инсон капитали назариясини ривожланишининг концептуал асослари бўлган сиёсий иқтисод, классик, неоклассик ва замонавий инсон капитали мактабларининг илмий ғояларини тадқиқ этиш асосида муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инсон капитали, концептуал асослари, сиёсий иқтисод, классик, неоклассик, ишлаб чиқариш, қобилият, кўникма, билим, туғма қобилият, билимлар иқтисодиёти.

### КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ТЕОРИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Бабаджанова Малика Рузимовна  
ТГЭУ. независимый исследователь

**Аннотация:** в статье на основе исследования научных идей школ политической экономии, классического, неоклассического и современного человеческого капитала, которые являются концептуальными основами развития теории человеческого капитала разработана авторский подход человеческого капитала.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, концептуальные основы, политическая экономия, классическая, неоклассическая, производство, способности, умения, знания, врожденные способности, экономика знаний.

### CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF THE THEORY OF HUMAN CAPITAL

Babadjanova Malika Ruzimovna  
TSUE. independent researcher

**Abstract:** based on the research of scientific ideas of the schools of political economy, classical, neoclassical and modern human capital, which are the conceptual foundations of the development of the theory of human capital, the author's approach of human capital is developed in the article.

**Keywords:** human capital, conceptual foundations, political economy, classical, neoclassical, production, abilities, skills, knowledge, innate abilities, knowledge economy.

## 1. Кириш.

Мамлакатимизда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб эканлигини таъкидлаб ўтилган. Олий таълим тизими инсон капиталини такомиллаштиришда ҳамда давлатнинг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим дастақдир. Бу ҳақда мухтарам Президентимиз қўйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир” [1]. Шу муносабат билан олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали инсон капиталини такомиллаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш муаммосини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

## 2. Илмий муаммонинг қўйилиши.

*Инсон капиталини тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари* қўйидаги хорижлик олимлар Ж. Бен-Порет, А. Маршал, Л.Туро, Сакайя Т., Дайзард У., Г. Бекер ва Т. Шульц томонидан ривожлантирилган.

Россиялик олимлардан Корогодин И.Т., Шевченко Д.А., Сергеева А. О., Черкашин М.Д., Редько Л.Л., Солодуха П.В., Грузков И.В., Грузков В.Н., Ткаченко А.В., Титов В.А., Капелюшников Р.И., Реморенко, И.И., Рожков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

*Инсон капиталини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари* билан Республикамиз олимларидан Академик Қ.Х.Абдурахмонов, Р.А.Убайдуллаева, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Г.Қ.Абдурахмонова, С.А.Бозорова, ва бошқаларнинг мазкур соҳага даҳлдор илмий тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин.

Инсон капитали назариясининг келиб чиқиши классик сиёсий иқтисод мактаби вакиллариининг иқтисодий таълимоти билан бошланган. У.Петти -Англияда классик сиёсий иқтисод мактабининг биринчи асосчиларидан бири бўлиб, янги иқтисодий категорияни - "жонли харакатланувчи инсон кучлари"ни жорий қилди[2].

Иқтисодий фандаги неоклассик мактаби вакили И. Фишер ҳам капитал таърифига инсонни киритган. Унинг фикрича кўникма ва механика инсондан ташқари алоҳида капитал эмас, малакали механикнинг ўзи ҳам капитал сифатида таснифланиши керак[3] деб таъкидлаб ўтган.

Замонавий инсон капитали назариясининг асосчиси Т. Шульц инсон томонидан қўлга киритилган, тегишли инвестициялар ҳисобига такомиллаштирилган, кучайтирилган ва ривожлантирилиши мумкин бўлган қимматли қобилиятларини биз инсон капитали деб атаймиз дейди[4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “Инсон капитални аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир” [5].

Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, инсон капитални моҳияти ва мазмунини турли иқтисодий мактабларнинг илмий ғояларини тадқиқ этиш асосида инсон капиталига муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

### 3. Тадқиқот методологияси.

**Мақолада** диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилади.

### 4. Асосий таҳлил ва натижалар

Иқтисодий ривожланишнинг мураккаб интенсив омили сифатида илм-фаннинг ривожланиши, юқори фан сизимли технологияларни ишлаб чиқиш ва уни ўзлаштириш, ахборотлашган жамиятни шаклланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инсон капитални биринчи ўринга олиб чиқди. Инсон капиталнинг ядроси, албатта, унинг ташувчиси – чуқур, кўп қиррали билим, кўникма ва қобилиятларга эга бўлган билимли инсондир. Бугунги кунда инсон ва унинг қобилиятлари иқтисодий фанда муҳим ўрин тутмоқда. Бироқ, йигирманчи асрнинг 60-йиллари бошларига қадар инсоннинг ижодий, яратувчанлик қобилиятлари иқтисодий ривожланишда ҳал қилувчи рол ўйнаган эмас эди. Саноатнинг техник инқилоби билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базасининг жадал янгиланиши иқтисодий ўсишни таъминлашда, инсоннинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантириш муаммоларини пасайтириб жисмоний капиталнинг устунлиги иллюзиясини яратди. Бунинг натижасида, узоқ вақт давомида инсон қобилиятлари ишлаб чиқаришнинг миқдорий омилларидан бири сифатида қаралди. Асосий муаммо фақат меҳнатни, асосий ва айланма капиталга муваффақиятли бирлаштиришдан иборат эди[6].

XX асрнинг иккинчи ярмида инсон капиталига муносабат тубдан ўзгарди. Иқтисодиётда инсон капиталининг ролига қизиқиш ортди, бу қуйидаги сабаблар билан боғлиқ: ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги йўлига ўтиш ва унда инсон капитални сифат жиҳатидан янги маънога эга бўла бошлади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги туб ўзгаришлар меҳнат жараёни ва меҳнат муносабатларини идрок этиш учун янги шарт-шароитларни яратилди. Илмий тадқиқотда асосий эътибор инсон капитални муаммоларини ўрганишга қаратилди. Меҳнатни иқтисодий ресурс сифатида фаоллаштириш инсоннинг меҳнатда қўлланиладиган ва унинг якуний натижасини акс эттирадиган қобилиятлари ҳақидаги ғояни ўз ичига олган категорияни талаб қила бошлади. Ушбу функцияни бажариш айнан иқтисодий категория сифатида инсон капиталига мўлжалланган рол эди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида юқори сифатли инсон капиталига эга бўлган мамлакатлар катта афзалликларга эга бўлиб бормоқда. Яъни,

иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида - олий маълумотли аҳолига ва дунё даражасида эркин рақобатлаша оладиган мутахассисларга эга бўлди. Айнан инсон капитали иқтисодий ўсиш ва унинг самарадорлигини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун инсон капитали бўйича тадқиқотлар сўнгги йилларда тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Инсон капитали концепцияси ғарб иқтисодий адабиётида XVII-XIX асрдан вужудга келган ва ривожланган. Ушбу концепциянинг ривожланишининг ҳар бир босқичида ўша даврдаги мавжуд илмий иқтисодий мактабларга хос бўлган турли қарашларни ифода этувчи ёндашувлар шаклланган. Иқтисодий фанда инсон капитали концепциясининг ривожланиши бу инсонга, унинг иқтисодиётдаги ўрни тўғрисидаги қарашларни ривожланиши, билим ва назарий қоидаларни жамғарилиши, турли хил иқтисодий мактабларнинг ютуқларини синтез қилиш ва уларнинг эволюциясини ифода этади.

Инсон капитали назариясининг келиб чиқиши классик сиёсий иқтисод мактаби вакиллари иқтисодий таълимоти билан бошланган. У.Петти -Англияда классик сиёсий иқтисод мактабининг биринчи асосчиларидан бири бўлиб, янги иқтисодий категорияни - "жонли ҳаракатланувчи инсон кучлари"ни жорий қилди. Инсон капитали ғояси кейинчалик классик сиёсий иқтисод мактаби асосчиси А. Смит томонидан ривожлантирилди. А. Смит ишлаб чиқариш жараёнида ишчининг қобилияти ва кўникмалари ҳал қилувчи ўринга тегишли деб ҳисоблаган. Фойдали меҳнат унумдорлигини ошириш, биринчи навбатда, ишчининг эпчиллиги ва маҳоратига боғлиқ, сўнгра у ишлайдиган машина ва инструментларларни такомиллаштиришга боғлиқ". А. Смит жамиятнинг "асосий капиталига" инсонларнинг билимлари, тажрибаси ва кўникмаларини киритди. У ушбу "асосий капитал" ни "муомалага кирмасдан ва ўз эгасини ўзгартирмасдан даромад ёки фойда келтирадиган ишлаб чиқаришнинг элементи деб ҳисоблаган.

XIX асрда инсон капиталининг мазмуни ифода этувчи иккита йўналиш шаклланди. Биринчи йўналиш вакили, классик сиёсий иқтисодиёт мактаби вакили Дж.С. Милль. У инсон капиталининг мавжудлиги ва мазмунини инсон қобилиятларини эгаллаш деб тушунтирди, бироқ инсоннинг ўзини бу тушунчага киритмади. Иккинчи йўналишга кўра (Дж. Мак-Куллох, Л. Вальрас, И. Фишер, Н.У. Сениор) инсоннинг қобилиятлари билан бир вақтда инсоннинг ўзи инсон капитали сифатида қаралган. Инсонни таъминлаш ва ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган ташқи маҳсулотнинг бутун улушини капитал сифатида тушуниш ўрнига, ... инсоннинг ўзини биз миллий капиталнинг бир қисми деб қараш тўғри бўлади[7] деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у жисмоний ва инсон капитали ўртасидаги ўхшашликни таъкидлаб, инсон омилига йўналтирилган инвестицияларнинг айланиш тезлигини бошқа турдаги инвестицияларнинг айланиш тезлигига мос келиши керак деб ҳисоблади.

Инглиз иқтисодчиси Н.У. Сениор ҳам, инсонларни капитал деб ҳисоблаш мумкинлигини таклиф қилган. Унинг ёзишича, "инсон-бу ундан келажакда фойда, нафлилик олиш умидида уни таъминлаш учун инсонга йўналтирилган харажатлар билан капиталдир[8]. Ушбу муаммони моҳиятини очиб беришга, классик сиёсий иқтисод мактаби вакили Ж. В. Сэй муҳим ҳисса қўшди. Унинг таъкидлашича,

инсоннинг касбий қобилиятлари ва кўникмалари меҳнат унумдорлигини оширишга катта ёрдам беради ва шунинг учун уни капитал деб ҳисоблаш мумкин. Ж. В. Сэй инсоннинг фақат жамғарилган қобилиятлари ва кўникма хусусиятлари капитал эканлигига ишонган. "Инсон ҳатто энг оддий ишларни бажариш учун етарли бўлган қобилият ва кучлар билан туғилмаган. Бу қобилият ва кучлар унинг ўз ривожланишида фақат 15-20 ёшга эришганда, кўп йиллик жамғариш ва уни изчил таълим тарбияга харажатларининг ўсиши ҳисобига шаклланган капитал деб ҳисоблаш мумкин[9], деб ёзган. Шундай қилиб, классик мактаб вакиллари инсон капиталининг замонавий назариясига асос солишган. Турли қобилият ва хусусиятларга эга инсонлар жамиятнинг, мамлакатнинг асосий бойлиги сифатида қаралган. Бу бойлик инсонларнинг касбларининг табиатига кўпроқ боғлиқдир. Инсонларнинг ишлаб чиқариш қобилиятлари иқтисодий тараққиётнинг асосий двигатели сифатида қаралган. Биринчи ўринга ходимнинг касбий ривожланиши чиқса, сўнгра машина ва ускуналарни такомиллаштириш туради. Классик мактаб доирасида инсон капиталининг мазмуни ва унинг тавсифини тушунтирувчи иккита йўналиш шаклланди. Биринчи йўналишга кўра, инсон капитали инсон томонидан олинган ва эгалланган ялпи қобилиятлар йиғиндисидир. Иккинчиси инсон капитали унинг ялпи қобилиятлари билан бир вақтда инсоннинг ўзи ҳам деб ҳисоблаган. Аммо шунга қарамай, классик мактаб вакиллари инсон капитали деб инсон томонидан эгалланган ўзига хос қобилиятлар ва касбий маҳорат деб аниқ тушунишган.

Иқтисодиётдаги неоклассик йўналишнинг асосчиси А. Маршалл ўз эътиборини инсон билимларига қаратди. У инсон билимини ишлаб чиқаришнинг асосий манбаларидан бири деб ҳисоблаган. Аммо бу нафақат инсоннинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган билимидир. А. Маршалл инсон қобилиятларини муҳимлигини таъкидлади. "Инсонни таълимга қўшган ҳиссаси шаклида шахсий капитални жамғаришга ундайдиган мотивлар моддий капиталнинг жамғарилишига мосга ўхшайди... инсоннинг қобилиятлари бошқа ҳар қандай турдаги капитал каби ишлаб чиқариш воситаси каби муҳимдир", деб ёзган эди. Капиталнинг ўсиши инсоннинг қобилиятига, саводхонлигига, корхонани бошқариш сифатига боғлиқ. Шундай қилиб А. Маршалл хулосасига кўра капитални жамғарилишининг муҳим омили бу таълим ҳисобланади.

Инсон капиталининг замонавий назарияси XX асрнинг 50 - йиллари охири-60-йиллари бошларида шаклланган. Ушбу мустақил илмий концепциянинг пайдо бўлишига иқтисодиётдаги ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлган илмий-техник тараққиёт сабаб бўлди. Илм-фан, техника ва технологиядаги кескин туб ўзгаришлар ишлаб чиқарувчи кучлар таркибининг такомиллашувига олиб келди. Шу муносабат билан юқори малакали ишчиларга эҳтиёж пайдо бўла бошлади.

Замонавий инсон капитали назариясининг асосчиси Т. Шульц инсон капиталини инсоннинг туғма қобилиятларини ва ҳаёт давомида олинган билим, тажриба ва кўникмаларни ҳам ўз ичига олади, деб ҳисоблаган. Бундай хулосага у қуйидагилардан келиб чиқган: "барча инсон ресурслари ва қобилиятлари туғма ёки ҳаёт тажрибаси орқали орттирилган бўлади. Ҳар бир инсон ўзининг туғма инсоний

салоҳиятини белгилайдиган индивидуал генлар мажмуаси билан тузилган бўлади. Инсон томонидан қўлга киритилган, тегишли инвестициялар ҳисобига такомиллаштирилган, кучайтирилган ва ривожлантирилиши мумкин бўлган қимматли қобилиятларини биз инсон капитали деб атаймиз дейди. Шундай қилиб, инсон капитали нафақат туғма қобилиятлар билан чекланиб қолмай, балки инсоннинг ҳаёти давомида орттирилган қимматли қобилиятларини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, инсон капиталини ривожланишини инсонлар ўзларининг билим, кўникма ва малакаларига тегишли мос капитал қўйилмалар орқали қўпайтиришлари мумкин.

Т.Шулц томонидан биринчи марта таълимни айланиб кўриб чиқиб, иқтисодий ривожланишда қувиб етиш турига эга бўлган мамлакатлар учун иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган асосий омил сифатида аниқлади. "Инсонга инвестиция киритиш нафақат унинг меҳнат унумдорлиги даражасини, балки унинг вақтининг иқтисодий қийматини ҳам оширади. Инсон капитали назариясига Г. Бекер ҳам катта ҳисса қўшди. Г.Бекер инсон капиталининг шаклланишини кўриб чиқди ва у инсон капитали инсонга қилинган инвестициялар орқали шаклланади, улар орасида таълим, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нархлар ва даромадлар тўғрисидаги маълумотларни қидириш харажатларини таъкидлаш мумкин. Шундай қилиб, инсон капитали ва унга қилинган инвестициялар концепциясини тадқиқ этиш иқтисодчиларга иқтисодий ўсиш омиллари муаммосига янгича қарашлар шаклланишига имконият берди, улар орасида таълим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Таълим инсон билимлари даражасини оширишга, яъни инсон капиталини шакллантиришга туртки беради.

Неоклассик мактаби вакили Й. Бен-Порэт инсон капиталини "вазифаси умумий қабул қилинган ўлчов бирликларида меҳнат хизматларини ишлаб чиқариш бўлган ва бу сифатда моддий буюмлашган капитал вакили сифатида ҳар қандай машинага ўхшаш фонд деб таърифлайди. Шундай қилиб, кўплаб фаолият соҳаларида малакали меҳнатнинг роли ортиб бормоқда. Неокейнсчилик йўналиши вакиллари С. Фишер Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи: томонидан инсон капиталига қуйидаги таърифи берилган: "инсон капитали-бу одамда мужассамланган даромад олиш қобилиятлари ўлчовидир. Инсон капиталига туғма қобилият ва истеъдод, ҳамда, таълим ва олинган, ортирилган малака ҳам киради. Шундай қилиб, муаллифлар инсонларнинг туғма ва орттирилган қобилиятларни инсон капитали билан боғлашади.

Узоқ вақт давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фанида инсон капитали муаммоларига етарлича эътибор берилмади, чунки инсон капиталини иқтисодий категория сифатида тан олинмаган эди, бу эса инсон капитали назариясининг ривожланишида ортда қолишига олиб келди. Шунга қарамай, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида республикамиз олимларининг инсон капиталининг монографик тадқиқотлари пайдо бўлди. Бу йўналишдаги биринчи илмий тадқиқотларга Р.А.Убайдуллаева, Шибаршова Л.И., Қ.Х.Абдурахмонов, Каримова Д.М. Л.П.Максакова, А.Ўлмасов А.Ваҳобов ва бутунги кунда самарали ижод қилаётган Абдурахмонова Г.Қ., Бозорова С.А.ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларини келтириш мумкин.

"Инсон капитали" тушунчасини тадқиқ этилган тадқиқотларни умумлаштириш асосида бир нечта асосий ёндашувларни аниқлаш мумкин. Кўпгина Республикамиз олимлари инсон капиталини рентабеллик мезонига асосланиб аниқлайдилар, яъни инсон капитали деганда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва келажакда даромад келтирадиган инсоннинг билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари мажмуи деб тушуниланган. Профессор Убайдуллаева Р.А. бугунги кунда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда инсон салоҳиятининг ўсиши ҳисобига ижтимоий императивларнинг ўрни ва аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлаб, Ўзбекистонда ижтимоий императивлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига ҳос жиҳати сифатида инсон капиталига асосий инвестор сифатида давлат номоён бўлишини таъкидлайди[10]. Профессор Каримова Д.М. моддий капитал ишлаб чиқариш омиллари, мулк ва молиявий активларга нисбатан эгалик ҳуқуқини назарда тутса, инсон капитали ва ижтимоий капитал таълим даражаси, касбий малака, кадрларнинг инновацион салоҳияти, шунингдек, аҳолининг саломатлиги, одамларнинг ўз саломатлигига нисбатан муносабати, диний-маданий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналарини қамраб олиши тўғрисида фикр юритади[11].

Академик Қ.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича, "Инсон капиталини аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқориқадар" [12]. Шунинг учун инсон капитали иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг асосий омилидир. Инсон капитали иқтисодий категорияси сифатидаги тушунчаси жаҳон ахборот ҳамжамияти ва "билимлар иқтисодиёти" ривожланиши билан биргаликда мунтазам равишда кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсон капитали интеллектуал ва бошқарув меҳнатини, яшаш ва меҳнат фаолияти муҳитини қамраб оладиган иқтисодиётни, жамият ва оилани ривожлантиришнинг интенсив ишлаб чиқариш омилидир. Бу инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқарувчи омили сифатида самарали ва оқилона амал этишини таъминлайди. Макродаражада ишлаб чиқариш капитал ва меҳнатнинг бирлашиш асосида амалга оширилади. Бу икки омил эса ўз навбатида иқтисодий ўсиш омиллари ҳамдир деб таъкидлаб ўтилади. Профессорлар А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг ёндашувига кўра, «Инсон капитали– бу кишиларнинг ҳаётини неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади» дейилган[13].

Бошқа муаллифлар инсон капиталини иқтисодиёт ва умуман жамият ривожига ҳисса қўшадиган асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омил деб билишди ва уни шахсга йўналтирилган инвестициялар орқали унинг маълум бир қобилиятлар ва сифатларни жамғарилиши ва ривожланиши орқали аниқлайдилар. Баъзи маҳаллий тадқиқотчилар тадқиқ этилаётган концепциянинг тарихий жиҳатдан аҳамиятини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, фақат постиндустриал жамиятда инсон капиталининг пайдо бўлиши мумкин. Бу жамият ҳаётининг янги ижтимоий муҳитини яратган учинчи илмий-техник инқилоб натижасидир, унда билим, кўникма ва малакаларни, ходимларнинг малакаси, профессионалиги, умуман таълим даражасини биринчи ўринга олиб чиқади. Бундан келиб чиқадики, инсон капитали жамиятнинг постиндустриал ҳолатига мос келадиган ялпи ишлаб

чиқариш қобилиятлари ва инсон кучлари, функционал роллари ва шакллар тўпламидир. Инсон капитали тўғрисидаги барча нуқтаи назарларни умумлаштириб, уларни қуйидаги иқтисодий мактаблар ва йўналишларга бирлаштириш мумкин (1.жадвалга қаранг).

1.жадвал.

**Инсон капиталини тадқиқ қилишнинг концептуал асослари[14]**

Иқтисодий мактаблар ва йўналишлар	Мактаб вакиллари	Инсон капитали мазмунини талқин қилувчи асосий назарий ёндашувлар
Классик мактаб	У.Петти, А.Смит, Дж.С.Милль, Дж. Мак-Куллох, Н.У.Сениор, Ж.Б.Сэй.	Инсон капитали миллий бойликнинг бир қисмини ташкил этувчи жамғарилган билим, кўникма қобилиятлар сифатида тушуниланган. Инсон капитали харажатлар натижасида олинган ва меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келадиган қобилиятлар ва касбий маҳоратни ифодалайди. Инсон капитал ортирилган ва эгалланган қобилиятлар сифатида қаралиб, фақатгина восита сифатида меҳнат жараёнида амалга ошади.
Неоклассик мактаб	Л.Вальрас, И.Фишер, А.Маршал, Т.Шульц, Г.Беккер, Л.Турроу, Ф.Махлуп, Й. Бен-Порат.	Инсон капитали келажакдаги даромад манбаи ёки келажакдаги қониқиш ёки иккаласи ҳамдир. У инсонийдир чунки унинг ажралмас қисмини ташкил қилади. Одамларнинг инсон капитали - бу уларнинг маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш қобилиятидир. Инсон капитали инсон ташувчисидан ажралмас бўлиб, у асосан тегишли тарбия ва таълим натижасида олинган сиёсий ва ижтимоий барқарорликка ҳурмат каби инсоний хусусиятларни ўз ичига олади. Инсон капиталини вазифаси умумий қабул қилинган ўлчов бирликларида меҳнат хизматларини ишлаб чиқариш бўлган ва бу сифатда моддий буюмлашган капитал вакили сифатида ҳар қандай машинага ўхшаш фонд деб таърифлайди.
Неокенсчилик мактаби	С.Фишер,, Р.Дорнбуш,. Р.Шмалензи	Инсон капитали - бу одамда мужассамланган даромад олиш қобилиятлари ўлчовидир. Инсон капиталига туғма қобилият ва истеъдод, ҳамда, таълим ва олинган, ортирилган малака ҳам киради.



Россия иқтисоди й мактаби	А.И. Добрынин, И.Т. Ко- рогодин, Е.А. Святодух, В.Н. Белкин, Н.А. Белкина, В.В. Радаев, В.Ф. Максимова, Л.И. Абалкин,	Инсон капитали деганда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва келажакда даромад келтирадиган инсоннинг билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари мажмуи деб тушунилган. Инсон капиталини иқтисодиёт ва умуман жамият ривожига ҳисса қўшадиган асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омил деб билишади ва уни шахсга йўналтирилган инвестициялар орқали унинг маълум бир қобилиятлар ва сифатларни жамғарилиши ва ривожланиши орқали аниқлайдилар. Постиндустриал жамиятда инсон капиталининг пайдо бўлиши учинчи илмий-техник инқилоб натижасидир, унда билим, кўникма ва малакаларни, ходимларнинг малакаси, профессионалиги, умуман таълим даражасини биринчи ўринга олиб чиқади.
Ўзбекисто н иқтисодч илари мактаби	Убайдуллаев а Р.А., Каримова Д.М., Абдурахмон ов Қ.Х., Ўлмасов А., Ваҳобов А., Абдурахмон ова Г.Қ. Бозорова С.А.	Тор маънода инсон капитали – инсоннинг интеллекти, саломатлиги, билими, маҳсулдор меҳнати ҳамда унинг турмуш сифатини ифодаласа, кенг маънода эса, инсон капитали - бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омилли, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки иқтисодий адабиётларда инсон капитали ҳар томонлама кўриб чиқилган ва ушбу категориянинг таърифига турли хил ёндашувлар шаклланган. Классик мактаб вакиллари инсон капиталининг замонавий назариясига асос солишган. Турли қобилият ва хусусиятларга эга бўлган инсонлар жамиятнинг, мамлакатнинг бойлиги сифатида қаралган ва бу уларнинг касблари табиатига боғлиқ бўлган. Ходимнинг касбий ривожланиши биринчи ўринга чиқади, сўнгра машина ва ускуналарни такомиллаштириш. Инсонга самарали инвестицияларнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилади, чунки уни компенсация қилиш билан улар ҳам фойда келтиради. Шундай қилиб, "инсон капитали" тушунчасининг ягона таърифи йўқ, чунки у жуда катта сиғимли ва ўз таркибига ижтимоий, иқтисодий, руҳий ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча: инсон капитали - бу иқтисодий ўсишга ҳамда инсонлар фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган, индивиднинг ҳаёт фаолияти

давомида олинган ва жамғарилган ялпи билим, касбий малака қобилиятлари йиғиндисидир.

## 5. Хулоса ва таклифлар

1. Инсон капитали концепцияси ғарб иқтисодий адабиётида XVII-XIX асрдан вужудга келган ва ривожланишининг ҳар бир босқичида ўша даврдаги мавжуд илмий иқтисодий мактабларга хос бўлган турли қарашларни ифода этувчи ёндашувлар шаклланган.

2. Классик мактаб доирасида иккита йўналиш: биринчисига кўра, инсон капитали шахсни ҳаёти давомида олинган, жамғарилган ялпи инсон қобилиятлари. Иккинчисига кўра инсон капиталини инсоннинг ўзи билан бир вақтда инсоннинг қобилиятлари деб ҳисоблаган йўналишлар шаклланган.

3. Замонавий инсон капитали назариясининг асосчиси Т. Шульц инсон капиталини инсоннинг туғма қобилиятларини ва ҳаёт давомида олинган билим, тажриба ва кўникмаларни ҳам ўз ичига олади деб ҳисоблаган.

4. Бизнингча инсон капитали - бу иқтисодий ўсишга ҳамда инсонлар фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган, индивиднинг ҳаёт фаолияти давомида олинган ва жамғарилган ялпи билим, касбий малака қобилиятлари йиғиндисидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь.

2. Петти У. Экономические и статистические работы / У. Петти. – М. : Соцэкгиз, 1940. – С. 81.

3. Fisher I. Senses of Capital / I. Fisher // Econ. J., VII (June, 1897). – P. 201-202; Fisher I. The Nature of Capital and Income / I. Fisher. – London : Macmillan & Co., 1927. – P. 51-52.

4. Schultz T.W. Investments in Human Capital : The Role of Education and of Research / T.W. Schutz. – New York : Macmillan & Co., Free Press, 1971. – P. 26-28.

5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат, 2009. - Б.182.

6. Халикова А.И. Теория человеческого капитала / А.И. Халикова // Глобальные проблемы современности: действительность и прогнозы: материалы докладов Международной научно-практической конференции студентов и аспирантов, 19 декабря 2008 г. В 2-х т. Т. 2. – Казань : Изд-во «Познание» Института экономики, управления и права, 2008. – С. 57.

7. McCulloh J.R. The Principles of Political Economy / J.R. McCulloh. – Alex Murray and Son, 1870. – P. 66.

8. Senior N. William. An Outline of the Science of Political Economy / N. William Senior. – New York. Farrar & Rincart, 1939. - P. 10.

9. <sup>1</sup> Сэй Ж.Б. Трактат политической экономии / Ж.Б. Сэй. – М. : Изд-во К. Т. Солдатенкова, 1896. – С. 64-65.

10. Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны. XXVI международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. М.:2013. С.107-108.

11. Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Т.: «Baktria Press» 2012. С.199-207.
12. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат, 2009. - Б.182.
13. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. – Т.: Иқтисод ва молия, 2014. - 226 б.
14. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

